



MURABBIY

ILMIY-MA'RIFIY JURNAL

“MURABBIY”

**ILMIY-MA'RIFIY
JURNAL**

Issue:1 2021 | №1, 2021

<https://science.jspi.uz/>



Chief Editor:

S.Nazarkasimov, Doctor of Philosophy (Ph.D) in Sociology, Vice-Rector of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

A.Turaev, senior teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Members of the editorial board:

Sh.S.Sharipov - Professor

B.M.Ochilova - Professor

D.Khodjimetova - assistant professor

A.Pardaev - assistant professor

M.N.Khoshimkhonov - assistant professor

A.I.Saidkasimov - assistant professor -

F.K.Akhmedov - assistant professor

B.E.Toshboev - assistant professor

I.N.Akhmedov - PhD

D.Salimova - PhD

N.N.Alimov - assistant professor

M.Saidov - Ph.D.

X.Maxammadiev - teacher

Editorial Representative:

Abrar Turaev

Jizzakh State Pedagogical Institute,
Uzbekistan

Phone: +998933091877

e-mail: ijtimoiy2017@mail.ru

**ONLINE ELECTRONIC
JOURNAL**

“Murabbiy” ilmiy-ma’rifiy jurnali
“Mentor” scientific-educational
journal

Научно-просветительский
журнал “Наставник”

Indexed By:



Published By:

<https://science.jspi.uz/>

Jizzakh State Pedagogical
Institute, Uzbekistan



MUNDARIJA / CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

№	MUALLIFLAR/ AUTHORS / АВТОРЫ	MAQOLA NOMI/ ARTICLE TITLE/ НАЗВАНИЕ СТАТЬИ	SAHIFALAR/ PAGES/ СТРАНИЦЫ
1	<i>Қирғизбоев Муқимжон</i>	Камбағаллик – XXI аср муаммоси	6-14
2	<i>Очилова Бахти Мурадовна</i>	Демократик кадриятлар ва ўзини-ўзи бошқариш	15-25
3	<i>Муҳаммадиев Нурмуҳаммад Эргашевич</i>	Жамиятнинг янгилинишида фалсафа илмининг методологик аҳамиятини янада оширишнинг долзарб масалалари	26-30
4	<i>Ахмедшина Фания</i>	Проблема выравнивания положения женщин и мужчин (опыт Узбекистана и зарубежных стран)	31-35
5	<i>Анварова Маърифат Нарзуллоевна</i>	Использование инновационных технологии при обучении арабскому языку	36-42
6	<i>Tilavova Malika Mataramovna</i>	Inversion is a bridge to the wonders of the language world	43-50
7	<i>Худойназаров Сардор</i>	Консультатив психология бўйича мутахассислар тайёрлаш муаммолари	51-54
8	<i>Ғофуров Жасур Исақович</i>	Уструшонанинг илк ўрта аср хунармандчилигига доир	55-58
9	<i>Ибрагимов Солижон Эргашевич</i>	Баркамол авлодни шакллантиришда гўзаллик тушунчасининг аҳамияти	59-63
10	<i>Севостьянов Дмитрий Анатольевич</i>	Инверсивные отношения как диалектический когнитивный конструкт	64-67
11	<i>Muhammadsidiqov Muhammadolim Muhammadroziq o'g'li</i>	Integratsiya tushunchasi: mazmun va mohiyati	68-77
12	<i>Ҳолиқова Рахбархон</i>	Ижтимоий-гуманитар соҳа	78-81

	<i>Эргашевна, Махкамова Надира, Тўхтабоева Дилафрўз Эргашевна</i>	вакилларининг тадқиқотларида урбанизация жараёнлари	
13	<i>Ежель Н.Е. , Стародубцева С.С. , Шишова А.А</i>	Проблема веры и современное мировоззрение человека	82-91
14	<i>Ibaidullaev Temir Gaybullaevich</i>	Harmony of uzbek national clothing culture and modernity	92-95
15	<i>Наумов Дмитрий Иванович</i>	Историческая политика в условиях глобализации	96-101
16	<i>Соегов Мурадгелди</i>	Туркмены-оламы самарканда на фоне истории своих прямых предков – древних аланови современные реалии	102-114
17	<i>Кобилов Рустам Ражаббойевич</i>	Ёшларда геоиктисодий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш асосий омиллари	115-119
18	<i>Ганеева Галия Галияновна</i>	Желательное наклонение глагола в башкирском языке и история его изучения	120-125
19	<i>Инатов Мурот Ниятович,</i>	Хатларни микдорий таҳлил этиш усуллари	126-131
20	<i>Холмирзаева Манзура Абдумурадовна</i>	Инновацион ривожланиш шароитида миллий манфаатларни мафкуравий жиҳатдан химоя қилишнинг фалсафий жиҳатлари	132-136
21	<i>Билалова Дина Нуримановна, Киреева Надежда Анатольевна</i>	Применение инновационных цифровых технологий в преподавании гуманитарных дисциплин в техническом вузе	137-142
22	<i>Собиров Элмурод Абдумуталович, Юсупова Сайёра</i>	Исҳоқхон Тўра Ибратнинг илмий-ижоди ва маънавий-маърифий мероси	143-147
23	<i>Кулуева Флора Гайнутдиновна</i>	Приоритетные задачи социально-гуманитарных наук в условиях глобализации	148-151

24	<i>Умаров Р.Т.</i>	Соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлик ишлари	152-155
25	<i>Isankulova Muxlisa, Alimova Qunduz</i>	Yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirilish masalalari	156-159
26	<i>Mustafaqulova Dildora Ismatullayevna, Ismatullayev Otabek</i>	Biologiya darslarida o‘quvchilarning tizimli tafakkurini rivojlantirish metodikasini takomillashtirish	160-166
27	<i>Нурийман Абулҳасан</i>	Глобаллашув даврида виртуал таҳдидларга қарши курашнинг ўзига хос хусусиятлари	167-178
28	<i>Тураев Абрар Салохиддинович</i>	XX аср охири– XXI аср бошларида марказий осие мамлакатларини демократлаштириш масалалари бўйича АҚШ неоконсерваторларининг ёндашувлари	179-184
29	<i>Тошбоев Бобомурот</i>	Ўртак ва шахсий намуна узликсиз маънавий тарбиянинг ажралмас қисми	185-188
30	<i>Eryigitov Dilshod</i>	Ta’lim jarayonida innovatsion pedagogik-texnologiyalarni qo’llash	189-192

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУРНИНГ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ

Умаров Р.Т.

ЖДПИ Технологик таълим кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада Соҳибқирон Амир Темурнинг улкан империяга ҳукмронлик қилган давридаги амалга оширилган бунёдкорлик ишлари тўғрисида фикр юритилади.

Калим сўзлар: Соҳибқирон, ҳукмдор, Мовароуннаҳр, бунёдкорлик, жаҳонгирлар, масжид, мадраса, мақбара, сарой.

Аннотация: Данная работа посвящена о созидательных работах Амура Темура, период его правлении над великой империей.

Ключевые слова: Сахибкиран, правитель, Мовароуннахр, творчество, джахангиры, мечеть, медресе, мавзолей, дворец.

Annotation: The article deals with the creative work carried out during the reign of Amir Temur.

Keywords: Sahibkiran, ruler, Movarounnahr, creativity, Jahangirs, mosque, madrasa, mausoleum, palace.

Мўғуллар истилосидан сўнг култепага айланган Мовароуннаҳр замини 150 йил давомида истибдод занжирига ўралди. Меҳнаткаш халқ оммаси куллик исканжасига солиниб, озодликдан маҳрум қилинди. Мўғул истибдодига қарши озодлик байроғини мардона баланд кўтариб майдонга чиққан ва халқнинг асрий эзгу нияти - мустақилликни кўлга киритган етук тарихий шахс бу Амир Темурдир. Чингизхоннинг ёввойи кўшинлари Мовароуннаҳрдаги кўплаб шаҳарлар сингари Самарқанд (Афросиёб)ни тамоман бузиб ташладилар. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, Чиғатой улуси чингизийларнинг 1220-1360 йиллар ичидаги ҳукмронлиги даврида Самарқандда кўзга кўринарли бирорта ҳам ижтимоий бино қурилган эмас. Мақолада Соҳибқирон Амир Темур томонидан Чингизийлар мустамлакачилигидан холос қилинган нафақат Мовароуннаҳрда, балки улкан империянинг барча ҳудудларда катта бунёдкорлик ишларини амалга оширганлиги тўғрисида фикр юритилади.

«Соҳибқирон» сўзининг арабча «саодатли, зафарли, ғолиб»деган маънолари бор. Илми нужум (астрология)да ва афсоналарда Зухра (Венера) – дўстлик ва меҳру мухаббат туғёнларини инъом айлагувчи, Муштарий (Юпитер) – омаду иқбол, музаффарияту шодиёналар сайёраси деб таърифланади. Шу икки сайёранинг бир буржда учрашган вақти саодатли

лахзалардир. Шу лахзада туғилган бола бахтли, улуғ мартабалар эгаси бўлиши олдиндан башорат этилади. Соҳибқирон шарқ мамлакатларида ҳукмдорларга бериладиган шарафли унвон. Амир Темур Кўрагон ҳам шу унвонга мушарраф бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур бунёдкорлик соҳасида ҳам катта ўзгаришлар қилиб, жаҳон меъморчилигини бемисл даражада бойитди. Соҳибқирон ўз даврининг энг буюк бунёдкори ва меъмори бўлган. Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари беқиёсдир. Бунёдкорлик Соҳибқирон даврида давлат сиёсати даражасига кўтарилган эди, дейиш мумкин. Айрим тарихчи олимлар Амир Темур томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишларини нотўғри талқин қилган. Масалан В.В.Бартольд асарлари 2-жилдининг 1-қисмини нашрга тайёрлаган В.А.Ромодин “В.В. Бартольд Темурнинг босиб олган мамлакатларидаги қурувчилик фаолиятини бўрттириб кўрсатган, зеро Темурнинг бу ерда айтиб ўтилган ижобий ҳаракатлари билан унинг қилган вайронгарчиликларини таққослаб бўлмайди”, деб ёзиши орқали Амир Темурга ва ундан кейин ўтган ҳукмдорларнинг ўз қўл остидаги мамлакатларда ўрнатган тартиб ва қоидаларни ҳамда улар томонидан олиб борилган бунёдкорлик ишларини етарлича ўрганмаганлигидан дарак беради.

Тарих бу кўхна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксаряти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Унинг «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим» деган сўзлари бунинг ёрқин исботидир. Амир Темурда ҳар бир зафарли воқеа ва севинчли ҳодисани мухташам меъморлик обидаси барпо этиш билан нишонлаш одат бўлган. Шу мақсадда Ҳиндистон, Шероз, Исфаҳон ва Дамашқдан олиб келинган машҳур уста-хунармандлар мамлакатда ҳашамдор иморату иншоотлар бино қилганлар. “Амр этдимки, – деб ёзади Амир Темур “Тузук лари”да, – катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсунлар, фақир мискинларга лангархона (мусофирхона) солсунлар, касаллар учун шифохона қурдирсунлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласунлар. Ҳар бир шаҳарда дорул-аморат (ҳукмдор саройи) ва дорул-адолат (адолат саро йи) курсунлар...”.

Амир Темур забт этган мамлакатларнинг бир қатор шаҳарлари (Бағдод, Дарбанд, Байлақон)ни қайта тиклади. Тарихчи Шарафиддин Али Яздий Кавказ атрофида Бойлақон шаҳри қурилиши ҳақида шундай ёзиб қолдирган: “Ҳазрат Соҳибқироннинг Бойлақонни таъмир этмак доъийаси муборак хотиридан ўтди. Ул шаҳар муддати мадидким вайрон бўлуб, не бир иморати

ва не бир жонивору ҳашорати бор эрди. Ул сарзаминида махсус ёрлик била хушраво муҳандислар ва кордон меъморлар шаҳар тарихиға машғул бўлдиларким, анинг ҳандақи ва тўрт бозори ва бисёр эвлари ва ҳаммому карвонсаройи ва майдонию боғи ва ғайру ҳуни асос этиб андоза қилдилар. Ватан обтортиб шахзодалару бекларани тақ симладилар. Черик тамоми жадди бирлаишга машғул бўлдилар. Ул иморат ларнинг барчаси пишиқ ғиштдан бир ой муддатда тамом этилди... "Айтишлари ча, бу шаҳарнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи Наҳри Барлос каналининг Амир Темур тарафидан қаздирилиши ўз даврида катта шов-шувга сабаб бўлган. Бу каналга ҳатто кемалар қатнови йўлга қўйилган.

Салтанат пойтахти Самарқанд Амир Темур даврида айниқса гуллаб яшнади. Шаҳарда Исфаҳон, Шероз, Ҳалаб, Хоразм, Бухоро, Қарши ва Кеш шаҳар ларининг меъмору бинокорлари қўли билан саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар қурилади. Шаҳар ташқарисида эса боғ-роғлар ва бўстонлар барпо этилади. Хусусан, Шоҳизинда меъморий мажмуасига мансуб Шодимулк оғо мақбараси, Ширинбека оғо мақбараси ва бошқалар қурилади. Шаҳарда Бибихоним жоме масжиди, Амир Темурнинг қароргоҳи Кўксарой ва Бўстон саройлар қад кўтарлади. Шунингдек, Самарқанд атрофида Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Биҳишт, Боғи Нав каби боғ ва саройларни қурдирди. Йўллар қуриб, Кўҳак-Зарафшон дарёлари орқали кўприклар солинди. Умуман олганда Самарқанд шаҳри Амир Темур даврида ўзининг қадимий ўрни Афросиёбдан бирмунча жануброқда бутунлай янгитдан қурилди. Шаҳар тевараги мустаҳкам қалъа девори билан ўралиб, Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар билан аталувчи 6 та дарвоза ўрнатилди.

Мовароуннаҳрнинг деҳқончилик воҳаларида, хусусан Зарафшон водийсида ўнлаб суғориш тармоқлари чиқарилиб, деҳқончилик майдонлари кенгайтирилди. Янги қишлоқлар барпо этилди. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур Самарқанд атрофида қад кўтарган бир қанча янги қишлоқларни даставвал салтанат пойтахти қилиб белгиланган Самарқандни дунёнинг энг обод шаҳарига айлантириб, унинг улуғворлигини кўрсатиш учун, Дамашқ, Бағдод, Миср, Шероз, Султония каби дунёнинг машҳур шаҳарлари номлари билан аталган, боғ-роғлардан иборат бўлган қишлоқлар барпо қилдирди.

Амир Темур томонидан қурилган иморатларни юз йиллардан кейин кўрган ва бундан қаттиқ ҳайратга тушган можор олими Ҳ. Вамбери унинг бу фаолияти га шундай баҳо берган: "Самарқанднинг шавкатли давридан қолган меъморий асарларни ҳозирги заиф ҳоли билан қиёсланса, бугунги муҳташам биноларнинг тавсиялари муболағали туюлмади. Султон Худобанда

тарафидан Султонияда юз йил илгари қурилган масжиднинг гўзаллиги Темур тарафидан бунёд этилган ҳозирги Самарқанднинг харобалари устида қад кўтарган “Масжиди шох”нинг гўзал маҳобати билан тенглаша олмас. Меъморчиликнинг шундай услубида кейинроқ қурилган бинолар, масалан, Исфакондаги Майдоншоҳдаги Масжиди Кабир, Қум ва Машҳаддаги турбалар Темур ҳиммати билан бунёд этилган иморатга нисбатан такрорийдир”.

Амир Темурнинг Ҳиндистон устига қилган уруши (1398 йил май -1399 йил март) қарийб ўн бир ой давом этди. Амир Темур Ҳиндистондан катта ўлжа, шу жумладан 120 жанговар фил билан қайтди. Ўлжаларнинг бир қисми кўшинга тақсимлаб берилди, қолгани Самарқанд ва Кеш шаҳрларида олиб борилаётган қурилишларга сарфланди.

Шунингдек бир вақтнинг ўзида Амударё ва Сирдарёга кўприк қурилди, Тошкент атрофида каналлар, жумладан, Сирдарёдан Оҳангаронга ҳам канал ўтказилди. Шаҳар типидagi Оҳангарон қишлоғи қурилди. Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Туркистонда карвон саройлари ва бошқа қурилишлар билан бирга ирригация иншоотлари қад кўтарди. Шаҳарлар, қишлоқлар, ҳаммомлар, мадрасалар қурилиши кенг миқёсида олиб борилди. Қурилишга маҳаллий меъморлар, усталар ва соҳиби ҳунарлардан ташқари Темур забт этган ўзга мамлакатларнинг кўплаб қурувчилари, меъморлари жалб этилди.

Юқорида зикр этилган тарихий маълумот ва аниқ далиллар шуни кўрсатадики, «Темур босқинчилик қилган у босиб ўтган ерларда фақат вайроналар қолган»,— деган бир ёқлама салбий фикрлар асоссиз эканлигини, аксинча, Амир Темур буюк ижодкор, меъмор ва қурувчи ҳам бўлганлигидан далолат беради. Амир Темур қуриш, яратиш қобилиятига эга бўлган халқнинг фарзанди, табиатан бунёдкор бўлиб туғилган, ўхшаши йўқ зот бўлган эди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Турғун Файзиев, Темурийлар шажараси.-Т: Ёзувчи,1994й., 352 б.
2. Бўрибой Аҳмедов, Абдулаҳад Муҳаммаджонов, Соҳибқирон Амир Темур (1336-1405), Чоп этилган 04.04.2017 Муаллиф Ziyouz.uz
3. Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Амир Темур солномаси, интернет манбаси.
4. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Моваруннаҳр тарихи. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.-96 б